



ИШОНЧИ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 21 декабр, сешанба №180 (827)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ФАРҒОНАЛИК САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Фидокорлар миллий-демократик партиясидан мамлакат Президентлигига номзоди кўрсатилган Ислам Каримов 18 декабр куни Фарғонада вилоят сайловчилари билан учрашди.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловини ўтказувчи 11-Фарғона округ сайлов комиссиясининг раиси Расулжон Тожиёв очди.

Президентликка номзоднинг ишончли вакили, Ўзбекистон ёзувчилар уюشمаси раисининг ўринбосари Йўлдошали Сулаймонов йўлдошларини Ислам Каримовнинг таржимаи холи ва сайловда дастури билан таништирди. Нотиқ ўз сўзида халқимизнинг мустақиллик ҳақидаги асрий орзуларининг ушалиши Ислам Каримовнинг номи билан боғлиқ эканлигини алоҳида қайд этди. Истиқлол йилларида амалга оширилган кенг қамровли ижтимоий, сийбий ва иқтисодий ўзгаришлар туфайли юртимизнинг жаҳондаги обрўси ортиб бормоқда.

Учрашувда Ислам

каси қурилди. Қишлоқ хўжалиги учун ўғит ишлаб чиқариш ишида ҳам кескин ўзгариш амалга оширилди. «Азот» бирлашмаси хорижий сармоядорлар кўмагида қайта таъмирланмоқда. 424 миллион АҚШ доллари миқдорда сармоя жалб қилинган бу иш нихоясига етгач, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини азотли ўғитлар билан таъминлашда туб бурилиш бошланиши шубҳасиз.

Давлатимиз раҳбари фарғоналик деҳқонларнинг заҳматли меҳнати хусусида ҳам алоҳида тўхталди. Фарғоналик ғаллакорлар бу йил давлатимиз оғирликларида тўрт юз минг тоннадан зиёд сарадон топириб, эл дастурхони тўкин бўлишига муносиб ҳисса қўшди. Айниқса, фарғоналик фермерлар эришяётган ютуқлар эътиборга лойиқ.

Ислам Каримов маънавият ва маърифат, кадрлар тайёрлаш масалалари-

тан ва миллат олдидаги завод ва фабрикалар куриш билан бирга, уларда ишлайдиган малакали мутахассислар тайёрлаш вазифасини ҳам назардан қочирмаслик кераклигига диққатни жалб қилди. Зеро, бусиз эртага барча қилинган меҳнат, чекилган харажат бесамар кетиши мумкин. Вилоятда ишга туширилган ва энди қуриляётган кўпалак академик лицейлар, касб-хунар коллежлари айна шу масалани ечи бериши жиҳатидан ҳам аҳамиятлидир.

Учрашувда Бешарқ туманидаги 2-лицей ўқитувчиси Раънохон Усмонова, Ўзбекистон халқ артисти Муҳаммадсоли Юсупов, Фарғона вилояти иқтисодий болалар 1-мактаб интернати ўқитувчиси Адолатнон Зоҳидова, ҳарбий хизматчи Уктам Каримов, Ўзбекистон тумани хотин-қизлар кўмакташсининг раиси Назоратхон Қодирова сўзга чиқиб, Ислам Каримовнинг Ва-

Яқунлаётган йилда Қорақалпоғистон Республикасидаги 115 километрлик «Мискин-Султонизда» темир йўл магистрали қурилишининг туғаланиши Амударё бўйлаги минтақанинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида муҳим воқеа бўлиб қолади.

ҚУТЛУҒ ҚАДАМ

Тўртқўлда ушбу темир йўлдан дастлабки поезднинг ўтишига бағишланган митинг бўлиб ўтди. Қайд этилдики, эндиликда мамлакатимизнинг саноат марказлари Орол бўйи минтақаси, жумладан, Қорақалпоғистон Республикасининг жануби билан илгаридек қўшни Туркменистон ҳудуди орқали эмас, бевосита темир йўл орқали боғланади.

АЖИНИЁЗ ТАВАЛЛУДИНИНГ 175 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛАР ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Азиз дўстлар! Муҳтарам ватандошлар! Биз бугунги кунда ўзбек ва қорақалпоқ халқлари орасида биродарликни, мустақам қон-қардошликни олий қадрият сифатида юксак эъзозлаймиз. Чунки ўзбек ва қорақалпоқнинг бахтини ҳам, орзу умидларини ҳам, ташвишу йўларини ҳам бир-биридан ажратиб бўлмайдим.

Қорақалпоқ халқи ўтмишининг суронли сўқмоқларини мардона босиб ўтди. Қорақалпоқнинг кўнгил мулки, бедор тафаккури унинг оғзаки ижодида, Бердах, Қунжожа каби буюк оқинлари меросида ўз аксини тоғди.

Биз бугун 175 йиллик қўнғу тўйини нишонлаётган бўл-булзабон оқин Ажиниёз ҳам ана шундай бетакрор сиймолардан биридир. Унинг асарларида қорақалпоқ халқининг орзу-уйлари, ёруғ қўнларга бўлган ишончи, нозик дида ва ҳаётга бўлган сўнмас муҳаббати юксак бадий пардаларда қуйланди.

Ўз юрти ҳаётидаги муҳим воқеалар, тарихий жараёнлар катта санъаткорларнинг назаридан ҳеч қачон четда қолмади. Жафоқаш қорақалпоқ элининг ўлган аср ўрталарида олиб борган ҳақиқат ва адолат йўлидаги курашлари Ажиниёзнинг машҳур дostonларида, кўпалак шеърларида ўз талқинини топади. Унинг ёрқин лирикаси ёшлик, гўзаллик ва эзгуликнинг ўлмас бадий обидаси бўлиб қолди.

Муҳтарам биродарлар! Ватан ва халқ равнақи ташвишида тинимсиз изланган Ажиниёзнинг эзу орзулари бугун рўбega чиқмоқда. Мустақил юртимизда инсоннинг бахт-саодатини таъминлаш, баркамол ёш авлодни тарбиялаш, фуқароларимиз онгида эртанги кунга ишончи мустақамлаш мақсадида чинакам тарихий ишлар қилинмоқда. Янги асрда мамлакатимиз ҳар томонлама ривожланган, фаровон ва қудратли давлат бўлиб оламга танилмоғи йўлида ижодкор қорақалпоқ халқининг катта масъулияти билан меҳнат қилишига чин дилдан ишонаман. Зотан халқ шоири Ажиниёз ёганидек, қорақалпоқ «Кўнгил бериб ваъдасидан қайтмаган, Хеч вақт гапни тўқиб-чатиб айтмаган» лабзи ҳалол, мард ва танти халқдир.

Озод ва обод юртимизнинг буюк келажagini қўриш, унинг неъматларидан баҳраманд бўлишдек улғу мақсадларимизга Яратганининг ўзи етказсин!

Ислам КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЎТТАНЛАР ХОТИРАСИ - МУҚАДДАС

Истиқлол шарофати туфайли Ватан озодлиги, эл-юрт равнақи, халқимиз фаровонлиги йўлида жон фидо қилганлар хотираси абадий-лаштираётган. Гулистонда қурилган салобатли Хотира майдони бунинг яна бир яққол далилидир. Ундаги мармар лавҳаларга қўриқ ўлқанинг урушда шайх кетган жангчилар, Мирзачўли боғу бўстонга айланган Фидойиларнинг исми шарифи зарҳал харфлар билан ёзилган.

Хотира майдони очилиши маросимида вилоят ҳокими Ҳ.Исмоилов сўзга чиқиб, бугунги кунда тобора кўркам-

Қорақалпоқ мумтоз адабиётининг етук номиядаларидан бири Ажиниёз Кўсбий ўғли таваллудининг 175 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланди. Байрам шодияларининг яқиний босқичи Нукус шаҳрида бўлди. Унда Оролбўйи меҳнат ахли вилоятлари, барча вакиллар Тошкент шаҳридан меҳмонлар қатнашди.

Тадбир Ажиниёз Кўсбий ўғли адабий меросини ўрганишга бағишланган илмий-амалий анжуман билан бошланди. Унда мамлакатимиз таниқли олимлари ва адабиётшуносларининг Ажиниёзнинг туркий халқлар адабиёти ривожига қўшган улкан ҳиссаси, ҳаёти ва фаолияти ҳамда бой ижодий меросини ўрганишининг аҳамияти тўғрисидаги маърузалари тингланди.

Оролбўйида Ажиниёз юбилейи тантаналари

Юбилей арафасида Қорақалпоғистонда кенг қўламда ободлаштириш ишлари амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан, Нукус шаҳрининг хушманзара жойида шоир номи билан аталувчи майдон барпо этилди. Мазкур майдонда Ажиниёзнинг музасам ҳайкали қад рост-лашди. Шу куни шоир ҳайкалининг тантанали очилиш маросими бўлди. Юбилей тантаналари иштирокчилари шоир ҳайкали пойга анвойи гуллар қўйдилар.

Оқшом Бердах номидаги театрда Ажиниёзнинг таваллуд тўйига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Мамлакатимиз Президентини Ислам Каримовнинг Ажиниёз таваллудининг 175 йиллигига бағишланган тантаналар иштирокчиларига йўллаган табрини Ўзбекистон Бош вазирини ўринбосари Ҳ.Кароматов ўқиб эшиттирди. Ўзбекистон Республикасининг Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н.Жўраев йиғилишда Ажиниёзнинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида маъруза қилди. Шунингдек, таббирда сўз олган Ўзбекистон Қарамони, халқ шоири А.Орипов, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири И.Осупов ва бошқалар Ажиниёз туман моҳнада халқ шоири, «бу дунёнинг кўри одам боласи» эканлигини тараннум этган ҳаннос сўз зарғари бўлганлигини таъкидладилар.

Йиғилиш санъат усталарининг катта концерти билан якунланди.

А.ИСКАНДАРОВА,
ЎЗА мухбири.

1999 йил - Аёллар йили



Шодон кайфиятдаги бу аёл тажрибали шифокор Нозилия Каримова. У узоқ йиллардан буён Шаҳри-сабздаги 2-шифоҳонада самарали фаолият юр-тиб келмоқда. Бой тажриба ва ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган мураббий ёшларга касб сирларини пухта ўргатишда ҳам намуна.

Ш.Султонов олган сурат.

Ижтимоий ҳимоя

— Содиқ ака, очигини айтганда ногирон одамга осонмас. Бунинг ўзим ҳам чуқур ҳис этаман... — Тўғри, баъзида кўнгил ўксиган кезлар бўлади. Бироқ, ҳукуматимизнинг меҳрибонлиги, ногиронлар, етим-есирларга кўрсатаётган беқўёс мадад руҳимизни кўтармоқда, ҳаммиса бир сафда бўлишга ундамоқда. Яқини эслашган, эҳлигимда бир қизга кўнгил қўйганим. У ҳам менга бефарқ эмасди. Аммо, унинг ота-онаси ногирон бўлганлигим учун тўйга розилик беришмади. Шундай бўлса-да, ҳаётда ўз ўрнини, бахтимни топдим. Умрдошим Ферузахоннинг «Сиз билан бахтлиман», деган бир оғиз сўзи кўнглимни тоғдек кўтарди. Асло тушқунликка берилмадим. Китеб билан ошно бўлдим. Изланиш, мустақам ирода туфайли орзуларим ушалмоқда.

Жамиятимизга юртимизнинг турли ҳудудларидан мактублар келади. Ерданга муҳтожларга баҳоли қудрат кўмак бераймиз. Таъкидлаганимдек, давлатимиз бизни ёлғизлатиб қўймапти. Бироқ, ҳаёт мураккаб, боз устига баъзи раҳбарлар инсон омилига лозим даражада эътибор беришмайди. Шу ўринда ҳаётий мисол келтирсам. Оқдарё туманилик Эшқуватовлар оиласида мактуб олди. Унда ёзилишича, оғир шароит-

да ҳаёт кечираётган экан. Сафарга отландим. Эшқуватовлар оиласи билан яқиндан танишдим. Туман ҳокими, жамоа хўжалиги раҳбари-ю, маҳалла фаолларини чақиртирдим. Шунда муштипар инсон туман раҳбарларидан фақат иш беришларини сўради. Шундан кейин катта оиланинг иши юришди. Ўзбекистон ногиронлар жамияти улар учун 65 миң сўм маблағ ажратди.

УЛУҒ ИШЛАРГА ҚОДИРМИЗ

Мамлакатимизда ногиронлар, етим-есирлар манфаати йўлида савобли ишлар амалга ошириляпти. Ўзбекистон ногиронлар жамияти раиси, «Шўҳрат» медали соҳиби Содиқ Убайдуллаев билан сўхбат мавзуи шу хусусда

— Инсон жамиятдан айри ҳолда яшамайди. Юрагимдаги гап, қалб сўқирлиги тана камчилигидан анча оғирроқ. Инсон қалби руҳият маконидир. Одамзодни Оллоҳ яратган ва у Оллоҳга қайтгучидир. Шунинг учун руҳият бағоят қудратли нарса. Бизни маҳкам ушлаб турган куч ҳам руҳимизнинг тетиклиги.

вазифаси инсонни улғулаш. Биламизки, собиқ шўро даврида бизни моддий оламга сажда қилиш руҳида тарбиялаб келишди. Жисмонан заиф инсонларга паст назар билан қараш пайдо бўлди. Ваҳоланки, бизнинг ҳеч қандам камлигимиз йўқ. Ислам оламида «Аллоҳ қўшини» деган буюк номга сазовор бўлган арабларга араб грамматикасини ўргатган буюк аллома — Замахшарий бир оёғи йўқ ҳолда шу

даражага эришганини эслашга ўтиш ўринлидир. Америка қўшма штатларини буюк давлат даражасига кўтаришга катта ҳисса қўшган Рузвельт ногиронлар Аравачасида инсон эди-ку!

— Узебекистон ногиронлар жамияти раиси сифатида жамият фаолияти ва ногиронлар муаммолари ҳақида нима-лар дея оласиз? — Жамиятнинг асосий

саваб тубдан ўзгарди. Бу тоифа инсонларнинг ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонун билан кафолатланган. Мазкур қонун асосида қурилиш меъёрлари ва қордаларни ишлаб чиқилди. Эндиликда ҳар бир янги қуриляётган иншоотлар Ўзбекистон ногиронлар жамияти билан фикрлашилган ҳолда амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, қурилиши тугалланган биноларнинг қабул қилиш комиссияси таркибида жамиятимиз вакиллари ҳам бор. Иш-

лаб чиқариш қорхоналарини ногиронларга мослаштириш бўйича ҳам муҳим ҳужжат тайёрланди. Айни кунларда аэропортларимиз, шох бекатларимиз, темирйўл вокзалларимизда талай қўлайликлар яратилган. Ҳаёт ширин, ҳар бир инсон не-не орзулар билан яшайди. Мустақиллик туфайли мушқуллимиз осон бўлаётганлигидан, қаддимизни фоз тугиб, азиз Ватанимиз равнақи йўлида Фидойиларнинг қўйибганимиздан, улғу ишларга озми қўшни ҳисса қўшаётганимиздан фахрланамиз.

Сўхбатдош: А.ЙЎЛДОШЕВ, «Ишонч» мухбири.

КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Корхоналар банкротлиги ва санацияси ҳукумат комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, мазкур комиссия раиси Б.Ҳамидов бошқарди.

Мажлисида Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги раҳбарлари, қорхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича Тошкент вилояти ҳудудий комиссияси аъзолари иштирок этди.

Мажлисида коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг, Тошкент вилояти ҳудудий комиссиясининг иқтисодий ночор қорхоналарни молиявий соғломлаштириш, ҳукумат комиссияси баёни қарорларининг ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботи тингланди.

Комиссия коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг, Тошкент вилояти ҳудудий комиссиясининг иқтисодий ночор қорхоналарни молиявий соғломлаштириш ва истиқболсиз қорхоналарни тугатиш борасидаги фаолиятининг қониқарли эмаслигини қайд этди.

Самарали фаолият юрйтиш истиқбол йўқлиги, банкротлик белгилари мавжудлиги муносабати билан «МПК-22», «МПК-301», «Чирчиқ экспериментал асфальт бетон заводи», «Гилам тўйи» акциядорлик жамияти, «Бунёда» жамоа қорхонаси ва «Яфасота» хусусий фирмасини банкрот деб эълон қилиш жараёнини бошлаш ҳақида қарор қабул қилинди.

(ЎЗА).

ШАРТНОМА МУНОСАБАТЛАРИГА ЭЪТИБОР

Ўзбекистон Адлия вазирлигида «Шартнома муносабатлари» юристлар эътиборида» мавзусида республика юристларининг семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Уни Адлия вазирининг ўринбосари С.Мирсафоев бошқарди.

Семинарда маҳсулот етказиб бериш ва моддий-техник ресурсларни олиш бўйича жорий йил давомида тузилган шартномаларнинг ижроси ҳамда 2000 йил учун шартномалар тузилишининг аҳоли, шунингдек, тайёр маҳсулотларнинг меъёридан юқори қолдиғини барта-раф этиш ҳақидаги масалалар муҳокама қилинди.

Анжуманда кейинги вақтда республикада шартномавий муносабатларни йўлга қўйишга умийдан натижаларга эришилгани қайд этилди. Айни вақтда хўжалик, ички хўжалик шартномалари, шунингдек, оила, ижара бригадалари билан тайёрлов-

ҚАЛБАКИ ДОЛЛАРЛАР

Ваколатли органларнинг берган маълумотларига қараганда, сўнгги пайтларда Қозоғистон Республикасининг турли шаҳарларида қалбаки АҚШ долларларини тарқатиш ҳоллари қайд этилмоқда.

Қалбаки долларлар бевосита Ўзбекистон билан чегарадош бўлган Жанубий Қозоғистон вилоятининг аҳоли пунктларида ҳам учраб турибди. Шу босис бундай пулларнинг ноқонуний валюта олдир-сотиши билан шуғулланувчи шахслар томонидан сотиб олинини, кейинчалик республикамиз ҳудудида тарқати-лиши эҳтимоли бор.

(ЎЗА).

ЮЗ ЁШЛИЛАР ДУОСИ - ЭЛ МУДДАОСИ

Хизр назар қилган муборак юртимиздаги оламшумул ўзгаришлар, турли жабҳаларда эришилаётган муваффақиятлар кимларнидир бетоқат қилаётгани сир эмас. Москвада нашр этиладиган «Комсомольская правда» газетасининг «Портрет явления: русские бегут» мақоласидаги уйдирма-бўхтонлар шу фикрнинг исботи бўлди. Қарангки, шу газета мухбири юртимизга келиб, ноҳақликка икром бўлди, давлатимиз раҳбаридан кечирим сўради.

Энг табаррук инсонларнинг қуйидаги дил сўзлари, гурури, шукроналари ганимларнинг бу каби галамисликлари, уйдирмаларига муносиб зарбадир.

Андижон вилояти-нинг Олтинкўл тумани, Сафаробод қишлоғида яшаётган пиру сини кўриш мумкин. 100 ёшни ортада қолни, Сафаробод қишлоғида яшаётган пирунинг дил сўзларида уч

Босиб ўтилган ҳар кун янги бир саҳифадир. Агар уни синчиклаб қараб чиқсангиз, не-не воқеаларнинг гувоҳи бўласиз. Бу бош нималарни кўрмади, дейсиз. Бошингизда офтоб бўлиб балқийди, деб аврашгани — инқилобни ҳам, болаларни етим, аёлларни есир қилиб кетган урушни ҳам кўрдик. Эртадан-кечгача кетмон чопиб қорнимиз

лари ҳаётимизни фаровон қилишга, янада яхшироқ яшашимизга имкон яратяпти. Шунинг учун ҳам биз кексалар ҳар субҳу шом уларнинг дуои жонларини қиламиз.

Дуога қўл очган табаррук онахоннинг ҳаяжондан титраётган кўлларига боқарканман, хаёлимдан унинг куйидаги дил сўзлари келди: «Ота-онасини эъзозлаган одам, ал-

Инсон умрини оқар дарёга ўхшатишадди. Жуда тўғри. Чунки одам ҳам дарё каби бир ерда тўхтаб қолмайди - доим олға интилади, ҳатто тўшаққа михланиб қолганида ҳам эртанги кун ташвиши, орзусини қилади. Ноумид дунё, деб шунга айтсалар керак-да. Умид билан яшаш одамзотга, бизнинг миллатимизга хос нарса. Ўзбекнинг нимаси кўп - орзу-ҳаваси. Менинг 102 ёшга киришимга ҳам ана шундай чеки йўқ оппоқ орзуларим сабаб бўлган бўлса, ажаб эмас. Шунинг учун биз - кексалар дуога қўл очганимизда «Юртимизга тинчлик, хотиржамликни берсин, бола-чақангизнинг роҳатини кўринлар» деймиз.

чирдим. Иккинчи жаҳон урушида бир неча марта ўлимдан қолдим. Оч-юпун қолиб кетган, ҳатто дарахтлар илдизини еган пайтларимиз бўлган. Уруш-урушда. Эндиликда беғубор осмонимиз доим тиниқ бўлишни таъминлаётган, фарзандларимизни мана-ман деган мамлакатларга юбориб чуқур билимли

ган жойда яшайман. Бу ердан сал узоқлашсам унинг хумори тутади, одамларини, бепоеён дала-ю боғу роғларини соғинаман. Бу - Ватан туйғуси, меҳри. Ана шу муқаддас туйғунини ёшлар қалбига ҳам сингдиришга бутун умр ҳаракат қилдим. Ўттиз йил ҳўжаликда бригада бошлиғи бўлиб ишлаганимда,

УЧИНЧИ АСРГА ПЕШВОЗ

Олтинкўллик 101 ёшли Бахринисо ая РУСТАМОВА: кексаларни эҳтиром тахтига ўтказган ҳукумат асло кам бўлмайди

Оқсоч дунёнинг ёшини ҳеч ким аниқ айтолмас керак. У яралгандан бўён не-не воқеа-ҳодисалару сиру синоатларга гувоҳ бўлганини ҳам билиб бўлмайди. Аммо учинчи асрга пешвоз чиқаётган Бахринисо Рустамова бу дунёнинг анча-мунча кечмишларидан хабардор экан...

бадавлат онахоннинг сўзларига қулоқ тутарканман, назаримда, у 101 ёшда эмас, балки ўзининг қумуш сочларидек оқсоч дунёга тенгдошдек туюлди. Онахоннинг меҳрибон кўзларида, табаррук кўлларида ўтмишнинг ёрқин ак-

нонга, эгнимиз кийимга ёлчимади. Бугдой етиштириб, макка, оқжўхори ердик. Пахта экиб, ҳузурини кўрмадик. Устига-устак текинхўр, боқиманда деган ном орттирдик.

Яратганга шукрки, бошимизга Ҳумо куши кўнди, чинакамига озод бўлдик. Кундан-кун эл бойиб, юрт обод бўлиб борапти. Ҳукумат биз қарияларни бағоят эъзозляпти. Юртбошимиз чиқарган фармонлар, ҳукумат қарор-

батта фарзандларидан ҳурмату иззат кўради. Кексаларни эҳтиром тахтига ўтказган ҳукумат асло кам бўлмайди. Табаррук зотларнинг дилини хушнуд этган давлат эса буюк келажакка дахлдордир».

2000 йил 9 январь - Ўзбекистон ПРЕЗИДЕНТИ сайлови куни

ВАТАНИ СЕВМОҚ - ИЙМОНДАНДИР

Урганчлик 102 ёшли Мадамин ота БОБОЖОНОВ

ёрдамга муҳтожларни кўпроқ ўйласанг, кўлингдан келганча кишилар ҳожатини чиқарсанг, ота-онанг ва бошқа ўзингдан ёши катталарнинг дуосини олсанг - мана шулар сенга куч, қудрат бағишлайди. Кеккайганлар эса эл назаридан қолади.

«Қари билганни сири йўқ. Ҳалол меҳнат қилсанг, адолатли бўлсанг, яхши одамларнинг этагидан тутсанг,

қилаётган, буюк давлатлар билан яқиндан ҳамкорликни йўлга қўйган, Ватанимизни бор имкони билан эъзозлаётган Ислоҳ Қаримов бошчилигидаги ҳукуматимиз бошидан сув ўгириб ичсанг арзийди.

Мен 1898 йилда Урганч туманидаги Охунбобоев номли жамоа ҳўжалигининг «Қорамон» қишлоғида туғилганман. Ҳозирги кунда ҳам киндик қоним тўкил-

етти нафар фарзандимни тарбиялаб воёяга етказганимда, ўнлаб неваравара, чевараларга бобо бўлиб турганимда ҳам ана шу пок ва буюк туйғу қалбимни тарк этмади. Мустақилликка эришганимдан кейинги саккиз йил мен яшаб ўтган бутун умримга татиғулик. Шу боис натижам: келаси йилнинг 9 январиди буюк инсон Ислоҳ Қаримов номзоди учун овоз бераман.

112 ёшли момо. Бехитёр кишининг қалби тўлқинланиб онахоннинг ёшига етказсин дея ният қилади. Яхши ният ярим давлат.

Нарпай туманилик 1887 йилда таваллуд топган Холбуви Мамашевнинг ҳам аср ошишига шу каби яхши ниятлар, кўнгил тозаллиги, ният поклиги, эртанги кунга ишонч далда бўлган.



онахоннинг суҳбатларига шерик бўлиб, дуоларини эшитишнинг ўзи бахт.

— Инсон боласининг боши тошдан экан. Ҳатто фил ҳам бу юкларни кўтара олмасди. Йиллар... У долғали замонларни эсласам кўзларимга ёш келади. 37 йиллардаги ур-сур даврда яқинларимдан айридим.

Мана ўршнолик кунларни кўрадиган замонлар ҳам бор экан, болам. Беғуноҳлар оқландилар. Хонадонларимизга хотиржамлигимиз қайтди. Букилган қадлар ростланиб,

Қариси бор уйнинг париси бордир, Шу боис Ўзбекнинг хонадони тинч.

Ватан гулламоқда, саодат ёрдыр, Дуога қўл очган дилларда севинч.

ЎРТАДАН ОҚИБАТ КЎТАРИЛМАСИН

117 ёшли Бибижон момо ҚУЛИЕВА, Қўшқўпир тумани Олтибой Қурбоннов номли жамоа ҳўжалиги

Э, бу пешона нималарни кўрмади. Оқ पोшо югурдақларининг бошимиз узра қамчи ўйнатганлари ҳам, кўшқўша инқилоблару кизил комиссарларнинг бебошликлари ҳам ҳали ёддан кўтарилгани йўқ. Очарчилик ва қатағонлар, уруш ва урушдан кейинги азоб-уқубатларни унутиб бўларканми?! Ҳали яқиндагина Москов айғоқчиларининг «ўзбек иши», «пахта иши» дея қилган зугумлари-чи?!

этган буюк давлат меҳоросҳўрларимиз. Бинобарин, тақдир бизга яна бир имконият берди. Юртбошимиз башорат қилганидек, Ўзбекистон - келажаги буюк давлат. Оллоҳ шохид - бугун озод Ватанда амалга оширилаётган мислсиз бунёдкорлик ишлари ҳадемай энг катта орзумиз ушалишидан мурда бераптир.

Илоё, юртимизга кўз тегмасин. Ўртадан оқибат асло кўтарилмасин...

КЎНГИЛ ХОТИРЖАМЛИГИГА НЕ ЕТСИН

иймонига содиқ қолган кишиларнинг куни-кун бўлди. Бунинг номини мустақиллик дейдилар. Шу неъмат бўлмаганда ҳатто дўппи кийиб урфодатга амал қилганлар ҳам айбланиб, юзи шувит қилинарди. Илоҳим ўша кунлар қайтиб келмасин.

Умримда кўп ва хўп кунларни, турфа инсонларни кўрдим, учратдим. Аммо, бугунгичалик тинчлик, оқойишталик, айниқса, кўнгил хотиржамлигини халқимиз энди топди. Чунки кўнгил хотиржамлиги, виждон поклиғи иймон бутунлиги энг катта бахтидир.

Давлатимизда бўлаётган ўзгаришларга кўпам ақлим етмасида, Юртбошимизнинг кексаларга бераётган эътиборларини неварав-

нимизга шукр. Муҳими, Ватан тинчлиги, она юртингда озод яшаш. Бир пайтлар қанча-қанча инсонлар ватандан қувлиб, ватангадо бўлдилар. Мана шундан асрасин. У кунларнинг эпкинни ҳам қайтмасин.

Болам, бизнинг кўлимиздан келадигани дуо-да. Қани кўлингни оч:

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм. Илоҳим юртимиз тинч, Ватанимиз бундан ҳам обод, халқимиз шод бўлсин. Қариларга имон, ёшларимизга узоқ умр, тани сиҳатлик берсин. Болажонларимизга баланд ризқ, юксак толе, бахт ато этсин. Юртимизни гуллаятаётган Президентимизнинг улуғвор ишларига ривож, омад ёр бўлсин.

ЎЗБЕКИСТОН - ПРЕЗИДЕНТ ҲАҚҚИГА ДУО

Омин: Муборак юртимиз — хур Ўзбекистонга тинчлик-хотиржамликни берсин. Шу муқаддас заминда яшаётган барча миллат ва элат вакиллари билан ҳамқору ҳамжиҳатликда яшаб, муроду мақсадимизга етайлик. Бизга Яратганнинг ўзи етказган, Ватан озодлиги, халқимнинг омонлиги, юртимнинг раўнақи олий

саодат, деб билган азиз Йўлбошчимиз, барча раҳбарларимизнинг тан-жонлари соғ, умрлари узоқ, хотирлари жам бўлсин, барчаларини ёмон кўздан асрасин. Йигирма биринчи аср муборак юртимиз учун барокотли келсин, барча эзгу ниятларимиз ижобатини топсин.

Аллоҳу акбар.

ЮРТ КОРИГА ЯРАШ — ОЛИЙ САОДАТ

Дехқонободлик 103 ёшли Гулнор момо ҚУЛНАЗАРОВА

103 йиллик умрим мовбайнида уч хил тузум тегиримонидан ўтдим. Ватан учун жон фидо этгучи кишиларнинг хўрланганини кўрдим. Ёлгон асосига қурилган «адолатли» давлат сиёсати моҳиятини мустақилликка эришганимиздан кейингина тўла тўшуниб етдим.

Аслида инсон онадан хур бўлиб туғилади. Лекин мамлакатдаги ҳаёт, муҳит одам қадри қай

Шўролар даврида эртадан кечгача далада кетмон чопардик. Аммо манфаатдорликни асло ҳис қилмадик. Бошқача қилиб айтганда, ҳақ-ҳуқуқидан усталик билан маҳрум этилган кимсалар эдик. Орада киргинбарот уруш бошланди. Далада болалар, аёллар қолишди. Бу ҳали ҳолва экан. Уқимшили, ишиблармон кишилар қатағон қилина бошланди. Уларни ҳимоя қиладиган бир

рор мард топилмасди. Чунки ҳар ким ўзидан кўрқарди. Мавжуд тузумдан норози бўлган ёки ҳуқуқини талаб қилган киши чиқиб қолса, унга «Халқ душмани» деган тавқи лаънат ёпиштирилди. Қадриятимиз топталди. Урфодатларимизга «ўтмиш сарқитлари» сифатида қаралди. Бундан аянчилик хўрлик бўлмас керак. Қайси идорага ва кимга мурожаат қилмайлик,

ғайри тилда гаплашишга тўғри келарди. Демакки, тилимиз ва динимиздан ҳам мосуво бўлгандик.

1991 йилнинг 1 сентябрини култуғ кунларнинг файзиёб онларини бошлаб берган улуг кун сифатида кутиб олдим. Чор-атрофга боқсанг, барча жабҳада ўзгариш катта. Чунончи, ўз давлатимиз, тилимиз ва аънаналаримизга қайтадан эга бўлдик. Улмай шу кунларга етганимиз шукроналар айтман.

Баъзида неваравараларим сўрашади: — Момо, сиз умрингиздан розимисиз? Уларга жавоб қиламан: — Аллоҳга шукр, Истиқлол ҳақиқий инсонлардек яшаш имконини берди. Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор. Ахир, рўшноликка нима етсин!



ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.30 «Ахборот».

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.30 «Ахборот».

8.30 Марказий газеталар шарҳи. 8.45 «Насафдан эсан сабаблар».

9.40 «Жавҳар». Публицистик курсатув.

курсатув. 13.35 Каратэ буйича Осиё чемпионати.

15.45 «Чемпион билан учрашу». Спорт дастури.

20.00 «Таблим-тарбия миллий дастури-амалда».

СЕШАНБА, 21

22.55 «Сиз уларни танийсиз». Теле-риал.

18.25 «Семурғ». Усмилар учун кунги очар дастури.

ЧОРШАНБА, 22

17.55 Курсатувлар дастури. 18.00 «Ерилтош».

17.55 Курсатувлар дастури. 18.00 «Ерилтош».

ПАЙШАНБА, 23

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.30 «Ахборот».

18.00 Курсатувлар дастури. 18.05 «Сув ости экспедицияси».

ЖУМА, 24

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.30 «Ахборот».

17.55 Курсатувлар дастури. 18.05 «Ерилтош».

ШАНБА, 25

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.30 «Ахборот».

17.00 «Стандарт ва сифат». 17.10 «Ўзбектеlevision».

ЯКШАНБА, 26

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.30 «Ахборот».


8.55 Курсатувлар дастури. 9.00 «Янги авлод».

Суратда: ёш хонанда Севара Назаронова.



Мухаммад АМИН (Ўза) олган сурат.

Суратда: ёш хонанда Севара Назаронова.




Мухаммад АМИН (Ўза) олган сурат.

Суратда: ёш хонанда Севара Назаронова.



Мухаммад АМИН (Ўза) олган сурат.

Суратда: ёш хонанда Севара Назаронова.



Мухаммад АМИН (Ўза) олган сурат.

19.40 «Куттих зали». Куп серияли бадий фильм. 9-серия.

19.15 «Бунёдкорлик». 4. «Озод ва обод юрт».

19.15 «Бунёдкорлик». 4. «Озод ва обод юрт».

9.05 «Муслиқий тонг». Муслиқий-дам олиш дастури.

Шоир инъому

ОЛАМДА ИККИМИЗ БИР ОЛАМ

Ҳазрат Навоий айтганларидек, бу бўстон аро гул кўп, чаман кўп. Шеърят бўстонидаги ҳар бир гул ўзига хос бўй таратади, бетак-рор гўзаллиги билан дилларни қувнатади.

«Ишонч» газетаси тахририятининг маънавият ва маданият бўлими мудири, филология фанлари номзоди Темир ҚУРБОН ҳам бир неча йилдан буён шеърлар машқ қилади. Унинг қаламидан тўқилган сатрлар ўзининг соддалиги ва самимийлиги билан ўқувчилар қал-бига тез кириб боради, уларни фикрлашга, мушоҳада юритишга ундайди. Қуйида шоирнинг шеърӣ чаманзоридан сараланган гул-дастани ҳукмингизга ҳавола этамиз.

НЕГА ЕРГА ҚАРАЙСАН, РАЪНО?

Сен - моҳсан, кўкдаги ул моҳ эмасдир, Қайғу-алам сенга ҳамроҳ эмасдир. Севмоғу севилмоқ гуноҳ эмасдир, Нега ерга қарайсан, Раъно?

Саодат боғига юзинг бурмайсан, Иқболнинг очилган гулин термайсан. Сўзларимга нечун жавоб бермайсан, Нега ерга қарайсан, Раъно?

Гулзордаги гуллар висол истайди, Кумрилар, булбуллар висол истайди. Ошуфта кўнгиллар висол истайди, Нега ерга қарайсан, Раъно?

Севгисиз бу фалак фалак эмасдир, Муҳаббатсиз юрак — юрак эмасдир. Бир сўз айт, бошқаси керак эмасдир, Нега ерга қарайсан, Раъно?

Дилдаги тугъдан қизариб юзинг, Ерга қадагансан иболи кўзинг. Айта олмай менга бир оғиз сўзинг, Нега ерга қарайсан, Раъно?

Ойнинг нурларидан кўнгил хирадир, Юлдузлар кўзимга қум бўлиб кирар. Сен кетган йўлларда кўзим тийрадир, Холимни бир ўзим, бир эгам билар.

Гилдираклар айтиб видо кўшигин, Вагон эшиклари устимдан кулар. Йиғлагим келади кўкка кўшилиб, Холимни бир ўзим, бир эгам билар.

Кетишинг осону келишинг қийин, Ҳозирдан ҳижронинг бағримни тилар. Йироқлаб кетяпсан дақиқа сайин, Холимни бир ўзим, бир эгам билар.

Вужуд қоқ иккига бўлинди чоғи, Таним бунда қолди, юрагим елар. Юракнинг ўрнида фироқнинг доғи, Холимни бир ўзим, бир эгам билар.

Сени олиб кетган темир излардан, Яна қачон қайтиб юрагим келар. Оллоҳим асрасин ёмон кўзлардан, Холимни бир ўзим, бир эгам билар.

Сен менга, мен сенга шунчалар яқин, Киприklar қапишар, кўзларда чақин. Оламда иккимиз бир олам тагин — Негадир мен сени соғинаман, Дил.

Кўлларинг қўлимда, дил дилга туташ, Бўсалар тафтидан лабларда оташ. Бир фурсат кўрмасам, кўнгил тўла гаш, Кўриб туриб сени соғинаман, Дил.

Ҳеч қачон тугамас биз қурган суҳбат, У мангу токи бор экан муҳаббат. Бизни айро этар куч йўқдир, албат, Енимда бўлсанг ҳам соғинаман, Дил.

Ўттиз йил яшадим қари дунёнинг, Оппоқ сочларига ҳайрон, лол боқиб. Ўттиз йил яшадим тошқин дарёнинг Тез оқар сувида бир хасдек оқиб.

Ўттиз йил — бир лаҳза олам ёшидан, Менинг-чи, умримнинг кузи кўринмиш. Нурли кунлар кўрмай ўтган бошимда, Қиш келмай қировнинг изи кўринмиш.

Ўттиз йил изладим олам наҳридан, Ўттиз йил не топдим, йўқотдим нени. Наҳотки кечгандим буткул баридан, Фақат топмоқ учун бахтимни — сени...



ЁШЛАР ҚАЛБИГА ЙЎЛ ТОПИБ

Ўсиб келаётган ёш авлодни Она-заминимизга, наботот ва ҳайвонот оламига нисбатан меҳр-ша-фқатли қилиб тарбиялаш бугунги куннинг дол-зарб вазифаларидан ҳисобланади. Бу борада Жон-дор туманидаги «Кўёшжон» боғча-гимназиясида олиб борилаётган ишлар диққатга сазовордир.

Таълим-тарбия масканда ўқув машғулотлари замонавий жиҳозланган махсус синф хоналари-да олиб борилади. Айниқса, малакали мураббий-лар томонидан табиати муҳофаза қилиш, эколо-гик таълим ҳамда инсон саломатлиги бўйича ўтказилаётган очиқ дарсларнинг самараси яхши бўлаётир.

Суратда: Тажрибали мураббий, «Тарбиячи-99» танловининг ғолиби Гулбахор Янгиева машғулот ўтказаятган пайт.

ЯНГИ ЛОЙИҲА

Ўзбекистонда бошлан-гич касб-хўнар таълимини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш миллий дастури-ни амалга оширишда кўзда тутилган муҳим маъ-рифий бўғин сифатида юзага келди. Бу борада олиб борилган самарали ишларнинг натижаси ўла-роқ «Ўзбекистонда бошлан-гич касб-хўнар таълими-ни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш» деб номланган янги лойиҳа тайёрланди.

Мамлакатимизда бу му-хим жараёни рўёбга чи-қариш мақсадида Ўзбеки-стон Олий ўрта махсус таълим вазирлиги, ўрта махсус ва касб-хўнар таъ-лими маркази, Германия техник ҳамкорлик жамия-ти билан яқин алоқа боғ-лади.

Тошкентдаги Кўйлик маиший хизмат касб-хўнар коллежида янги замонавий компьютер синфининг очилиши ҳам шу нуфузли лойиҳа доирасида амалга оширилди. Германия иқти-содий ҳамкорлик ва ри-вожлантириш вазирлиги томонидан коллежга тор-тик қилинган замонавий техник асбоб-ускуналар ана шу имконни берди.

Компьютер, принтер, сканер каби техник жиҳоз-лар ҳам шу хонага ўрна-тилди.


ЮЗЛИК ТЕЛЕФОН ҲАҚИДА

Одамлар кашф қилган янгиликларнинг фойдаси кўп, бироқ, баъзан зарар-ли томонлари ҳам учраб турибди. Бундай дейиши-мизга сабаб, сўнгги вақт-ларда электр, алоқа воси-таларининг тез суръатлар билан ривожланиб бораёт-ганидир. Ҳақимлар энди юзлик телефон ҳақида хав-фли фикрни ўртага ташла-моқда. Унинг электр-маг-нитли тўлкини клеткалар-нинг биологик тузилишини

ўзгартириб юборишга қодир экан. Миянинг хи-змати, аъзонинг ҳимояла-ниш фаолиятини ўзгарти-риб, касалга учратиш му-кин, дейишмоқда олимлар. «Майкросилд индас-триз» деган лондонлик ком-пания юзлик телефонлар учун никелли - полиэстер-лик махсус қоғна ясашиб-ди, у электрмагнитли нур-нинг кўп қисмини ушлаб қоларкан.

Австралия, Финляндия-да сичқонлар устида таж-риба ўтказилганда, боя-қишларнинг бирида рақ-шиши билиниб, бири йўлидан адашиб қолибди. Шунинг учун ҳам ҳақим-лар 20 минутдан ошқик бир марта гаплашган одам-нинг ўзи ҳам миясини доим текширувдан ўтқа-зиб туриши керак дейиш-моқда.

Қидирбой Тўлабоев тайёрлади.



Қизим, кўзингга боқсам, Юлдуз тўлгандек бўлар. Олдимдан қулиб чиқсанг, Кўёш қулгандек бўлар.

Шундай одамлар бор бўлсин

Шарқда қадим-қадимдан эл-юрт орасида ўз меҳнати ва ибратли ҳаёт йўли билан обрў-эътибор қозонган кишиларни «уста» дея ар-доқлашган. Чиндан ҳам, самарали ва шижо-атли меҳнат, Ватан тараққиёти ва равнақи, мамлакат ободончилиги йўлидаги изчил фа-олият ҳеч қачон исзис кетмаган. Доимо за-ҳматқаш инсонлар номи улуғланган, қадр то-лган. Усто Ширин Муродов номидаги Бухоро махсус илмий таъмирлаш-ишлаб чиқариш уста-тахонасининг уста-таъмирловчиси Аҳмад Бой-муродов тўғрисида сўз юритилганда айнан ана шундай ҳаёлларга борасан, киши.

ҳаёт йўлини, бунёдкор-ликка йўғрилган ёруғ тақ-дирини белгилаб берган бўлса ажабмас. Унинг махсус илмий таъмирлаш-ишлаб чиқариш устахонасида иш бошлаганига ҳам 40 йил-дан ошибди. Ўтган давр ичида ўнлаб тарихий ва маданий ёдгорликларга қайта ҳаёт бағишланди, умрига умр қўшилди. Улар халқимизнинг бой

ди. Энди Аҳмад ака сеҳр-ли бармоқларининг жози-баси туйғайли республи-камик пойтахти Ширин шаҳридаги Абдулқосим мадрасаси, Самарқандда-ги Регистон майдони, Қаршидаги Кукумба мас-жиди, Навоийдаги Ҳалим шайх, Мирсаид Баҳром мақбаралари, Бухородаги Чашмаи Аюб, Арк, Сиёҳ-гарон, Хаммоми Сарроф-рон ва бошқа ўнлаб тари-

ри унвони берилди. Боймуродовлар оила-сини уста-таъмирловчи-лар сулоласи деса бўла-ди. Бугунги кунда Аҳмад ақанинг 3 нафар ўғли ҳам у билан ёнма-ён тури-риб меҳнат қилмоқда. Қундалик ишлар ниҳо-ятда тигиз бўлишига қарамай, А.Боймуродов жамоатчилик ишлари билан шуғулланишга ҳам вақт топади. У — махсус илмий-таъ-мирлаш ишлаб чиқариш устахонаси касаба уюш-ма қўмитасининг раиси сифатида ҳам фаол иш олиб бормоқда. Касаба уюшма тизимини тако-миллаштириш, бу муҳим ишни давр талаблари даражасида юритишда унинг салмоқли ҳиссаси бор. Устахона ҳар бир ишловчисининг манфа-атлари йўлида фаолият кўрсатиш, корхона маъ-мурияти ва касаба уюш-ма қўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартно-маси бандларининг ўз вақтида ва тўлиқ бажа-рилишига эришиш, бу билан эса барча уста-таъмирловчиларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий муҳофаза эти-лишини таъминлаш — касаба уюшма қўмитаси-нинг асосий мақсадига айланган. Қўмита ва унинг раиси А.Боймуро-дов иши билан таниш-ган киши бу эзгу мақ-саднинг тўла-тўқис амалга ошаётганига ишонч ҳосил қилади.

А. ИСТАМОВ.

ХАЛҚ УСТАСИ

тарихий меросидан ҳикоя қилувчи бебаҳо маънавий мулк сифатида боқий қад ростлаб тура-

хий обидалар кўркига-кўрк қўшди. Шу кунларда Бухоро вилояти ҳокимлиги ва кенг жамоатчилик ташаббуси билан Марказий Осиёда-ги энг йирик ва нодир тар-ихий-меъморий ёдгор-ликлардан бири — Чор-бакр мажмуи ҳудудини тартибга солиш, таъмир-лаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тад-бирлари амалга ошири-лаяпти. Турган гапки, бу обидани қайта таъмир-лаш ишларида Аҳмад Бой-муродов ва унинг ҳамкасб дўстлари ҳаммашъидек олдинги сафда. Шу билан бирга улар «Намозгоҳ» мадрасасида сўнгги пар-дозлаш ишларини ҳам олиб боришмоқда.

— Мустақилликка эриш-ганимиздан сўнг юрти-миздаги осори атиқалар-га, уларни асраб-авай-лашга бўлган муносабат тубдан ўзгарди, — дейди

биз билан суҳбатда А.Боймуродов. — Муҳтарам Юртбошимиз Ислам Ка-римов ва республикамик ҳукуматининг тинимсиз кўмаги туйғайли бир пай-тлар хароба ҳолига тушиб қолган ёдгорликларга эътибор қучайди, улар-нинг кўпчилиги бугунги кунда барчамизнинг кўзи-мизни қувватмоқда, хори-жий сайёҳлар олдида гуруримизни оширмоқда, асрлар ва насллар мулки-га айланган бебаҳо ёд-горликлар бунёд эта ол-ган халқ эканлигимизни бутун дунёга кўз-кўз эт-моқда.

Уста-таъмирловчилар меҳнатига муносиб баҳо берилаётганлиги эса биз-ни янада яхшироқ иш-лашга ундаяпти, — дейди ўз сўзида давом этиб у. — Кейинги 3-4 йил ичида М.Саломов, О.Бобомуро-дов, Р.Қурбонов, Ф.Муҳам-медов, Б.Маърупов, И.Маҳмудов сингари мо-ҳир усталаримиз «Ўзбеки-стон Республикасида хиз-мат кўрсатган қурувчи» сингари юксак унвонлар-га сазовор бўлдилар. Уларнинг кўп йиллик са-марали меҳнатлари, юр-тимиз маданиятини ри-вожлантиришга қўшган ҳиссалари ҳукуматимиз томонидан муносиб баҳо-ланди.

Аҳмад ака ушбу касб билан тасодифан юзма-юз бўлиб қолгани йўқ. Ҳали ўрта мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ ганч-да ўймакорлик ишлари билан шуғуллана бошла-ган. Оддий бир мактаб ўқувчисининг кунт ва ма-ҳоратидан барпо бўлган



ОБУНА — 2000

«ИШОНЧ»ГА ИШОНЧИМИЗ ОШИДИ

Ўтган йили обуна мав-суми арафасида туман ҳокимлигининг мажлис-лар залида «Ишонч» га-зетаси тахрир ҳайъати аъзолари билан ўтказилган учрашувни жон-дорликлар яхши эслаша-ди. Унда кўплаб долзарб ҳаётий масалалар қато-ри маориф ходимлари-га 15 фоизлик моддий маблағ ажратиш масала-си ҳам кўндаланг кўйил-ган эди. Ораддан муайян вақт ўтгач бу муаммо ечи-мига йўл топилди.

Туман молия бўлими эндиликда ҳар чоракда рағбатлантириш фонди маблағларини изчил бе-риб борилиши учун ҳамма имкониятларни ишга солаётир. 3 минг-дан ортиқ маориф хо-димлари ҳар ойда аж-ратма маблағларидан баҳраманд бўлиб туриб-дилар. Уша учрашув туй-ғайли «Ишонч»га ишон-чимиз ортди. Шу боис ҳам сеvimли газетамиз-га 2000 йил учун обуна-ни кўнгилдагидек яқун-ладик.

Ж. АШУРОВ, Таълим ва фан ходимлари Жондор туман касаба уюшма қўмитасининг раиси.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррор Мирғиёс ҚАЮМОВ Тахрир ҳайъати: Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррор ўринбосари- «Ишонч-Доверие»), А.Алламуродов (масъул котиб- «Ишонч»), Ч.Латипов, М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Минимали: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134 Газетига 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерда терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табақ, Сотуш эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаханаси, Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди 23.30